

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**480** **Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2280

(2011 йил 17 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли 1-иловага мувофиқ;

Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Адлия вазири

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 7 ноябрь,
246-мх-сон

Келишилган:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2011 йил 7 ноябрь

ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ

(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи, якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.О.)

(хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ери (почта манзили), якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи)

(солиқ тўловчининг идентификация рақами)

Т/р	Назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи	Текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва гувоҳнома рақами	Аудиторлик ташкилотининг номи (лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати), аудитор, экспертнинг Ф.И.О. (шахсини тасдиқловчи ҳужжат)	Текшириш ўтказиш учун асос	Текшириш тури ва мақсади
1	2	3	4	5	6

Текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар	Текширишни бошлаш ва тугатиш санаси ва вақти	Текширишнинг аниқ давом этган вақти	Талаб қилинган ҳужжатлар	Текшириш жараёнида қўрилган чоралар	Хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг фикри
7	8	9	10	11	12

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2011 йил 7 ноябрдаги
246-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Текширишларни рўйхатга олиш китоби — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган махсус китобдир.

2. Текширишларни рўйхатга олиш китобининг юритилишидан мақсад: текширувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкораликни таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний равишда аралашувларга чек қўйиш.

3. Текширишларни рўйхатга олиш китоби белгиланган намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва рақамланган, тикилган, варақлар сони ва Китобни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг имзоси ва муҳри (якка тартибдаги тадбиркор учун — агар у мавжуд бўлса) билан тасдиқланган бўлиши керак.

4. Текширишларни рўйхатга олиш китобида хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), унга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

5. Текширишларни рўйхатга олиш китоби хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритилади.

II. Текширишларни рўйхатга олиш китобига текширишлар ҳақидаги ёзувларни киритиш

6. Текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) текширувчи мансаб-

дор шахсга текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш учун тақдим этади.

7. Текширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланишидан олдин қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини (якка тартибдаги тадбиркорни, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши, қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тақдим этиши, текширишларни рўйхатга олиш китобининг тегишли устунларига ёзувлар киритиши лозим.

8. Текширувчи мансабдор шахс текшириш бошланишига қадар текширишларни рўйхатга олиш китобининг 2 — 7-устунларини тўлдиради. Бунда, хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) текширишларни рўйхатга олиш китобига киритилган маълумотларни текширувчи мансабдор шахс томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан таққослашга ҳақли.

9. 2-устунда текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

10. 3-устунда текширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган ташкилот номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

11. 4-устунда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами кўрсатилади.

12. 5-устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни қабул қилиш рақами ва санаси; қўзғатилган жинойт иши билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жинойт ишининг рақами кўрсатилади.

13. 6-устунда текшириш турининг тўлиқ номи (режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш) ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвали ва буйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса — буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

14. 7-устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

15. Текширишларни рўйхатга олиш китобининг 8 — 12-устунлари хўжа-

лик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) томонидан тўлдирилади. Бунда, 8 — 10-устунларга текшириш давомида ёзувлар киритиб борилади.

16. 8-устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлаш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги ҳаракати ҳақида махсус белгилар қўйилади.

17. 9-устунда текширишнинг ҳақиқатда давом этган календарь муддати кўрсатилади.

18. 10-устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда махсус белгилар қўйилади.

19. 11-устунда хўжалик юритувчи субъектга нисбатан белгиланган тартибда кўрилган чоралар (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом ашёдан фойдаланишни тақиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва х. к.) кўрсатилади.

20. 12-устунда ўтказилган текшириш якуни бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахсининг) «Розиман», «Рози эмасман», «Эътирозлар билан розиман» шаклларидаги фикри қайд этилади. «Рози эмасман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътирозлар билан розиман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътирозлар келтирилади. Текшириш тугагандан сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) ушбу устунга Китобда қайд қилинган ёзувларнинг тўғрилиги ҳақида ёзув киритади ҳамда сана ва вақтни кўрсатган ҳолда ўзининг имзоси билан тасдиқлайди.

21. Текширувчи мансабдор шахс текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса ёки мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган маълумотни таққослаш натижасида тафовутлар аниқланган тақдирда, текширувчи мансабдор шахс текширишга қўйилмайди. Бунда, хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 80-сон «Адлия органларида махсус «ишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида (кейинги ўринларда адлия органлари деб юрити-

лади) ташкил этилган махсус «ишонч телефони»га мурожаат этишга ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришга ҳақли.

22. Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўяш тақиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларнинг устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш текширувчи мансабдор шахснинг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс)нинг имзоси билан тасдиқланади.

III. Яқуний қоидалар

23. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш мақсадида назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлиги бўйича мониторинг адлия органлари томонидан амалга оширилади.

24. Адлия органлари текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисобини юритади.

25. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.